

2-1-2018

IMPROVING ORGANIZATIONAL AND METHODOLOGICAL BASES OF ACCOUNTING AND FINANCIAL REPORT OF BUDGET ORGANIZATIONS (in the case of higher education institutions)

K. Ibragimov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Ibragimov, K. (2018) "IMPROVING ORGANIZATIONAL AND METHODOLOGICAL BASES OF ACCOUNTING AND FINANCIAL REPORT OF BUDGET ORGANIZATIONS (in the case of higher education institutions)," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 12.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/12>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

**Ибрагимов К.Ш. – ТМИ,
таянч докторант**

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Олий таълим муассасалари мисолида)

Ушбу мақолада бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни ташкилий-услубий асосларининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган бўлиб, бунда асосан олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг хусусиятлари алоҳида ўрганилган.

Таянч сўзлар: ахборот таъминоти, бюджет, бухгалтерия, бюджет ташкилоти, бюджет ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, олий таълим муассаси, ташкилий-услубий асос, ҳисоб.

В данной статье освещены особенности и организационно-методические основы бухгалтерского учета и финансовой отчетности в бюджетных организациях, в основном изучены особенности бухгалтерского учета и финансовой отчетности в высших учебных заведениях

Ключевые слова: бюджет, бухгалтерия, бюджетная организация, бюджетный учет, бухгалтерский учет, информационное обеспечение, организационно-методическая основа, учет, учреждения высшего образования, финансовая отчетность.

This paper illustrates the characteristics of organizational-methodical basis of accounting and financial reporting in budget organizations. Especially, the features of accounting and financial reporting mainly in higher educational institutions is investigated.

Keywords: accounting, account, budget, budget accounting, budget organization, financial report, higher education, information support, organizational-methodical basis.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳозирги кунда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг негизи ҳисобланиб, ушбу ўзгаришлар барча соҳаларни қамраб олган ҳолда ўз самарасини бермоқда. Жумладан, Давлат секторида ҳам ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги бу соҳада ташкилий-услубий жиҳатдан норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, хориж тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда миллий иқтисодиётимизга халқаро стандартлар талабларини жорий этишни тақозо этмоқда.


Зеро, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, давлат молиясини бошқаришда “иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш, энг аввало, иқтисодий ва молиявий органларнинг фаолияти самарадорлигига боғлиқдир”. [1] Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, давлат молиясини бошқариш, бюджет интизомини таъминланиши, давлат бюджети маблағларининг шакллантирилиши ҳамда

самарали ва мақсадли сарфланишида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизими алоҳида аҳамият касб этади.

Давлат сектори тузилмаси кўп тармоқли бўлиб, унда бюджет ташкилотлари алоҳида ўринга эга. Бюджет ташкилотлари асосан давлатнинг аниқ бир функциясини амалга ошириш учун белгиланган тартибда бюджет маблағлари ҳисобига сақлаб туриладиган муассасалардир. Бюджет ташкилотлари давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан ҳамда фаолият турига мос иш ва хизматлар кўрсатишдан, ҳомийлик, вақтинчалик бўш бино ва иншоотларни ижараси, ҳамда бошқа қонунчилик билан тақиқланмаган бюджетдан ташқари маблағлар тушумлари ҳисобига маблағ билан таъминланади ва улар ҳисобига белгиланган тартибда харажатлар амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг бошқа тармоқ ва соҳа ҳисоб тизимига нисбатан ўзига хос бўлган алоҳида хусусиятлари мавжуд, аввало барча жараён бюджет ижроси жараёнини узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ташкил қилинади. Бунда, даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси бўйича хўжалик муомалаларини рўйхатга олиш ва назорат қилиш, бухгалтерия ҳисоби счётларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг ҳолати тўғрисидаги тўла ва аниқ маълумотларни шакллантириш, самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш ҳамда молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиш ҳисобланади.

Бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар таркибида салмоқли ўринни таълим соҳаси эгаллаган бўлиб, унда олий таълим муассасалари алоҳида хусусиятга эга. Олий таълим муассасаларида нафақат бюджетдан молиялаштириш, балки бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиши жиҳатидан ҳам энг юқори ўринни эгаллашидир. Қуйида келтириб ўтилган расм маълумотларида республика бўйича олий таълим муассасаларининг вилоятлар кесимида тақсимотини фоизлардаги улушини кўришимиз мумкин (1-расм).



1-расм. Республика бўйича олий таълим муассасаларининг вилоятлар кесимидаги тақсимотини фоизлардаги улуши[2]

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, олий таълим муассасалари мисолида келтирилган фоизлардаги ёки аниқ суммалардаги рақамларни молиялаштириш давлат бюджетидан молиялаштирилади. Бюджет ташкилотлари бюджет маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича сметалар ҳамда штатлар жадвалини молия йили учун шакллантиради, тасдиқлайди ва тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиб ижросини амалга оширади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат бюджетидан молиялаштирилдиган муассасаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунида “Бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик операцияларини яхлит, узлуксиз, ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ахборотини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботни тузишдан иборатдир. Бухгалтерия ҳисоби хўжалик операциясини бухгалтерия ҳисобининг камида иккита счётида бир вақтда ва ўзаро боғлиқ ҳолда пулда баҳолаб акс эттириш йўли билан иккиёқлама ёзув усулида юритилади” – деб келтирилган.[3] Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” жумласига аниқ таъриф келтирилмаган. Аммо, кодекс матнларида “Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби” жумлаларидан фойдаланилган. Шу сабабли ҳам ҳанузгача ушбу тушунчани иқтисодчилар турлича талқин қилиб келмоқдалар.

Қонун, қонуности ҳужжатлар ва мамлакатимиз, шунингдек хорижий давлатларнинг иқтисодчи олимлари томонидан “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” жумласига нисбатан илмий талқин қилинган таърифларни ўрганиш жараёнида хорижий давлат иқтисодчи олимларидан Т.Г.Шешукованинг

илмий қарашлари алоҳида эътиборга молик. Олимнинг фикрига кўра “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” деб эмас, аксинча “Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби”, деб талқин этилган, ҳамда буни бюджет ижроси жараёнлари билан боғлиқлиги, бюджет ижроси жараёнларида бюджет таснифини ҳисобда қўлланилиши билан изоҳланган.[4] Шунингдек, бюджет ҳисоби ва бухгалтерия ҳисоби тушунчаларининг қўлланилиши ҳисобни юритиш хусусиятларида маълум фарқланишлар борлиги масаласига ҳам эътибор қаратган.

Бизнингча, ҳозирги кунда айрим норматив ҳужжатларда “Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби” жумласи қўлланилаётган бўлса-да, бу мунозаралидир. Ушбу фикрни илмий ҳамда амалий жиҳатадан қуйидагича асослаш мумкин. Жумладан,

биринчидан - миллий қонунчилигимизга кўра, бюджет ташкилотлари давлат бюджетидан молиялаштирилганлиги сабабли “Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби” жумласидан фойдаланилаётган бўлсада, аслида бюджет ташкилотларида нафақат бюджет маблағларидан фойдаланилади, балки фаолият турига хос бўлган турли йўналишлардан ҳам тадбиркорлик асосида маблағлар шакллантирилади. Бу эса, ўз навбатида, давлат бюджетига қарамликни камайтириб ўзини-ўзи молиявий жиҳатдан таъминлашга интилиш, яъни хўжалик юритиш демакдир;

иккинчидан – биринчи илмий хулосадан келиб чиқиб бюджет ташкилотлари аслида бошқа ишлаб чиқариш корхоналари каби “Хўжалик юритувчи субъект” ҳисобланади (молиялаштириш манбаси давлат бюджети ҳисобланади, устав фондига эга эмас, ҳамда бюджет қонунчилигига бўйсунди);

учинчидан – “Бюджет ҳисоби” асосан давлат бюджетининг ижро этувчи молия органлари ва унинг ҳудудий бошқармаларида ҳамда ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмаларида (кейинги ўринларда молия органи) юритилади. Сабаби, ушбу молия органлари асосан давлат бюджетининг даромадларини шаклланиши, харажатларнинг касса ижроси ва шунга ўхшаш кўплаб бюджет ижросига оид бюджет операцияларини амалга оширади. Шунингдек, ушбу молия органлари бюджет ижросига оид бюджет операцияларини ҳисобда акс эттиришда фақат “Касса” усулидан фойдаланади, шу сабабли ушбу молия органларининг ҳисоб юритиш жараёнларини “Бюджет ҳисоби”, деб умумлаштирган ҳолда номлаш ўринли;


тўртинчидан - хўжалик юритувчи субъектларда даромад ва харажатларни тан олинишида фақат “Ҳисоблаш” усулига асосланилади, бюджет ташкилотларида эса нафақат “Касса” усулидан фойдаланилади балки, “Ҳисоблаш” усулидан ҳам фойдаланилади;

бешинчидан – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” жумласи ҳозирги кунгача кенг фойдаланиб келинмоқда. Яъни, Адлия вазирлигидан 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатдан ўтган “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома мавжуд.

Юқорида санаб ўтилган илмий асосланган факторлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, “Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби” тушунчаси бюджет ташкилотлари учун ҳисоб тизими мазмунини тўлиқ акс эттирмайди. Аксинча, “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” моҳияти жиҳатидан кенгроқ тушунча ҳисобланади.

Бюджет ижросига оид қонунчилик асосларини, шунингдек мамлакатимиз олимларининг илмий асарларини ўрганиш орқали бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг мазмунини ёритиб берадиган таъриф келтирилмаганлигига ишонч ҳосил қилдик. Шу сабабдан, илмий изланишлар натижасидаги хулосалардан келиб чиқиб, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг мазмунини ёритиб бера оладиган, яъни **“Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби** – ташкилотга даромадлар ва харажатлар сметалари доирасида ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳаракати ва ҳолатини ўрганиш, назорат қилиш, бошқариш мақсадида бюджет ижросига оид маълумотларни шакллантириш ҳамда фойдаланувчи (ички, ташқи)ларни ахборотлар билан таъминлаш тизими – деб муаллифлик таърифи берилди. Ушбу таъриф 2018 йил 22 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли фармони асосида тасдиқланган Давлат дастурига жорий этилган.[5]

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчи (ички ва ташқи)ларни тўлиқ, аниқ ва ўз вақтида молиявий ва бошқа бухгалтерия маълумотлари билан таъминлаш ҳисобланади.



2-расм. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан фойдаланувчилар [6]

Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобида ташкилот ихтиёридаги маблағлар, хўжалик жараёнлари ва уларнинг таъсири остидаги ташкилот маблағлари ва маблағ манбаларининг таркиби, тузилиши ва ҳаракатига оид содир бўладиган ўзгаришлар акс эттирилади ҳамда ташкилотнинг даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси натижаси аниқланади. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асосий талабларидан бири ҳар бир хўжалик операциялари бўйича ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиришдир.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг объектлари бўлиб, номолиявий активлар, молиявий активлар, мажбуриятлар, молиявий натижалар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари ҳисобланади.


Бюджет ташкилотларида, жумладан олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобини алоҳида хусусиятларини икки жиҳатдан фарқлаш мумкин, ушбу хусусиятларни қуйидаги (3-расм) шаклда келтириб ўтаемиз:



3-расм. Олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг алоҳида хусусиятлари[7]


Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби фойдаланувчиларини ишончли, ўз вақтида молиявий ахборотлар билан таъминлаш мақсадида молиявий ҳисоботлар шакллантирилади. Бюджет ташкилотлари томонидан топшириладиган молиявий ҳисоботлар таркибига қуйидагилардан иборат: Баланс (1-шакл), харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот, тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш

жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот, бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисобот, жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот, номолиявий активларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот, шунингдек йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларга тушунтириш хати илова қилинади.



4-расм. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни шакллантиришнинг тизимли кетма-кетлиги[8]

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни ташкилот раҳбари амалга оширади. Раҳбар ички ҳисоб ва молиявий ҳисобот тизимининг ишлаб чиқилишини, хўжалик операцияларини назорат қилиш тартибини, бухгалтерия ҳисобини тўлиқ ва аниқ юритилишини, ҳисоб ҳужжатларининг сақланишини, ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботни тайёрланишини, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳужжатларнинг тайёрланишини ҳамда ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаши шарт. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун бош бухгалтер ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс бухгалтерия ҳисоби хизматини амалга оширишга масъул ҳисобланади (5-расм).



5-расм. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ташкилий-услубий таъминотининг схематик кўриниши[9]

Юқорида тасвирланган расмда бюджет ташкилотларида, жумладан олий таълим муассасаларида (кейинги ўринда ОТМ) бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ташкилот раҳбари масъул эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун бош бухгалтер ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс бухгалтерия ҳисоби хизматини амалга оширишга масъул ҳисобланади.

Бундан ташқари бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнларини ташкил этишда, шунингдек ҳисоб жараёнида асосий функция ва вазифаларни тўғри ва ўз вақтида бажарилиши устидан тўлақонли назоратни олиб боришда бош бухгалтерга бош бухгалтер ўринбосари ҳамда бош бухгалтер ўринбосари – аудитор, айрим ҳолларда эса қўшимча ёрдамчи бухгалтер лавозимларига тайинланган бухгалтерлар кўмаклашишади (1-жадвал).

1-жадвал

Олий таълим муассасалари бухгалтерия ҳисоби хизмати ходимларининг намунавий штатлари[10]

Олий таълим муассасалари бухгалтерия ҳисоби хизматининг тузилмасида лавозимларнинг номланиши	Талабаларнинг келтирилган контингенти												
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
	500 гача	501 дан 1000 гача	1001 дан 1500 гача	1501 дан 2000 гача	2001 дан 2500 гача	2501 дан 3000 гача	3001 дан 3500 гача	3501 дан 4000 гача	4001 дан 5000 гача	5001 дан 6500 гача	6501 дан 8000 гача	8001 дан 10 000 гача	10 000 дан юқори
Талабалар контингентидан келиб чиқиб бухгалтерия ҳисоби хизматида раҳбар ва ходимларининг штат бирликларининг шакллантирилиши													
Бош бухгалтер	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
Бош бухгалтер ўринбосари		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
Бош бухгалтер ўринбосари — аудитор			1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
Тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушган маблағларини ҳисобга олиш бўйича бухгалтер (тоифасиз, 1-тоифа, 2-тоифа)			1	1	1	1	1	2	2	2	2	2	2
Бухгалтер (тоифасиз, 1-тоифа, 2-тоифа)	1	1	1	2	3	5	5	7	7	7	7	7	7
Ғазначи	1	1	1	1	1	1	2	2	2	2	2	2	2

Жадвал маълумотларига асосланиб айтадиган бўлсак, барча ОТМлари ўзларининг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини “Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги йўриқнома асосида тартибга соладилар. Ушбу норматив-ҳужжатда ОТМлари контингентига кўра 13 та гуруҳга ажратилган. Барча ОТМларида бухгалтерия ҳисоби хизмати фаолиятини ташкил

қилишда юқорида келтирилган норматив ҳужжат асосида тайёрланган жадвал маълумотларига асосланилади. Шунингдек, танлаб олинган тадқиқот объекти (ОТМ)да 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига тасдиқланган котингентиди 4360 нафар талаба таҳсил олаётганлигини, ҳамда жадвалнинг тўққизинчи устунидаги маълумотлар ОТМда бухгалтерия ҳисоби хизмати фаолиятини ташкил қилишда штатлар сонини шакллантириш учун асос бўлган. Унга кўра институт бухгалтерия ҳисоби хизматида 1 нафар бош бухгалтер, 1 нафар бош бухгалтер ўринбосари, 1 нафар бош бухгалтер ўринбосари - аудитор, 2 нафар тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушган маблағларини ҳисобга олиш бўйича бухгалтер (*тоифасиз, 1-тоифа, 2-тоифа*), 7 нафар бухгалтер (*тоифасиз, 1-тоифа, 2-тоифа*), 2 нафар Ғазначи штатлари тақсимоти амалга оширилган.

Ўз навбатида ҳисоб жараёнини тўғри ва мукамал ташкил этиш учун ушбу бухгалтерлар ўртасида асосий функция ва вазифаларни тенг тақсимоти амалга оширилади. Ушбу функция ва вазифаларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан назоратни бош бухгалтерни ўзи олиб боради ва жарён учун тўлиқ масъул жавобгар шахс ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари бевосита бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбарига бўйсунди.

Бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарининг хўжалик операцияларини ҳужжатлар асосида расмийлаштириш ва уларни бухгалтерия ҳисоби хизматида тақдим этиш бўйича талаблари бухгалтерия ҳисоби субъектининг барча ходимлари учун мажбурийдир. Бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари ва бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари ўртасида айрим хўжалик операцияларини амалга оширишга доир келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, улар бўйича ҳужжатлар операциялар амалга оширилишининг оқибатлари учун шахсан жавобгар бўлган бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбарининг ёзма фармойиши билан ижрога қабул қилиниши мумкин.

Хўжалик операцияларини амалга оширишда турли мураккабликлар ва ноаниқликларга дуч келмаслик учун бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этишда бухгалтерлар унинг норматив-ҳуқуқий ва услубий таъминотидан етарлича хабардор бўлиш ва уларга тўлиқ амал қилишлари шарт. Юқоридаги расмда келтирилган маълумотларни изоҳлайдиган бўлсак, аввало ҳисоб ишларини ташкил этиш ва юритиш учун асос бўлиб ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид Кодекс ва қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари таъкидлаб ўтиш жоиздир. Шунингдек, ушбу норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг базавий тамойилларини умумлаштирувчи стандартлар асос бўлиб хизмат қилади.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг объектлари ҳаракатини ҳисобда тўғри акс эттириш учун услубий асослар қаторида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим этишга оид норматив-ҳужжатлар (Низомлар, йўриқномалар, қоидалар ва бошқалар)ни мисол келтириш мумкин. Булардан ташқари айрим истисноли ҳолатларда Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилладиган бухгалтерия ҳисобининг

алоҳида объектлари бўйича ҳисоб юритиш механизми ҳамда хусусиятларини акс эттирувчи услубий кўрсатмалар ва тавсияларни ҳам таъкидлаш мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби хизмати фаолиятининг мукамал ташкил этилиши ва юритилишида алоҳида бир жиҳат мавжудки, у юқорида санаб ўтилган барча норматив-ҳуқуқий ҳамда услубий таъминотларга тўлиқ амал қилган ҳолда шакллантириладиган бюджет ташкилотининг ҳисоб сиёсати ҳисобланади. Бюджет ташкилотининг ҳисоб сиёсати ўзида бухгалтерия ҳисоби хизматини барча ташкилий, услубий ҳамда техник жиҳатдан мукамал юритилишида муҳим услубий таъминот ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси;
2. “<http://edu.uz/uz/pages/sss>” сайти маълумотлари асосида тайёрланган;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни 4-модда (2016 йил 13 апрель, янги таҳрир, ЎРҚ-404-сон);
4. Шешукова Т.Г., и другие. О применении понятий “Бюджетный учет” и “Бухгалтерский учет” в бюджетных учреждениях. vestnik.osu.ru/2011_5/14.pdf;
5. Муаллифнинг илмий изланиш натижалари хулосасидан келиб чиқиб таклиф этилган таъриф. *Ушбу таъриф 2018 йил 22 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли фармони асосида тасдиқланган Давлат дастурига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси “Тараққиёт стратегияси маркази” 29.01.2018 йилдаги Далолатнома, рўйхат рақами №0164/18);*
6. Илмий тадқиқот натижасида муаллиф томонидан тайёрланган;
7. Илмий тадқиқот натижасида муаллиф томонидан тайёрланган;
8. www.lex.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланган;
9. Илмий тадқиқот натижасида муаллиф томонидан тайёрланган;
10. Жадвал “Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 февралда № 2859 сон билан рўйхатдан ўтган) йўриқномаси асосида тайёрланган.